Биография

Гулнора Гулямова



Гулнора Якубовна Гулямова 1959 йилда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. Тилшунослик равнақига улкан ҳисса қўшган икки заҳматкаш олим, узоқ йиллар ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетида фидокорона меҳнат қилган таниқли тилшунос филология фанлари доктори Ёқуб Ғуломов ҳамда Тошкент давлат техника университети “Тиллар” кафедраси профессори Нурпошша Ғуломоваларнинг қизи Гулнорахон ўрта мактабни олтин медаль, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини имтиёзли диплом билан битирди.

1982-85 йилларда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1985-88 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиумида илмий-ташкилий бўлим катта инспектори, Беруний номидаги Фан ва техника соҳасида Давлат мукофотлари қўмитасининг катта инспектори лавозимида меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1998 йилда Тошкент давлат юридик институти “Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси ўқитувчиси лавозимига ишга ўтди. 2005 йилда “Ҳозирги ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. 2009 йилдан мазкур институтнинг “Ўзбек тили” кафедраси мудири, 2017 йилдан Тошкент давлат юридик университети Тиллар марказининг раҳбари лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасининг профессор в.б. лавозимида фаолият юритяпти.

Асарлари:

1999

Ҳуқуқий атамашунослик ва тилшунослик. “Ҳуқуқ. Право. Law”, № 1

Ўзбек адабиёти ва ҳуқуқий тарбия. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ

2002

Қонунчиликда атамаларнинг аҳамияти. “Мулоқот”, № 1

Истиқлол ва ҳуқуқ терминологияси. “Қонун”, № 11

Конституция ва ўзбек юридик терминологияси. Рисола. Т., ТДЮИ

2004

Ўзбек тили амалиёти. Ўқув қўлланма. Т., ТДЮИ

2006

Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти, услубияти ва атамашунослик (терминология) асослари. Ўқув дастури. ЎзР МХХИ

2007

Ҳуқуқшуноснинг нутқ маданияти, услубияти ва атамашунослик (терминология) асослари. Ўқув қўлланма. ЎзР МХХИ

Copyright © 2022
All Rights Reserved.